

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ”  
ФАНИДАН**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2012**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“Тасдиклайман”

журналистика факультети декани

ф.ф.д. проф. Раҳмонов Н.А.

2010 йил “ ”

**“ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ”** фани буйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(иккинчи кисм)

Билим соҳаси: 300 000 – Ижтимоий фанлар, бизнес ва хуқук

Таълим соҳаси: 320 000 - Журналистика ва аҳборот

Таълим йуналиши: 5320100 - Журналистика

Умумий ўқув соати - 222

Шу жумладан:

Маъруза - 50

Амалий машғулотлар - 22x3

Курс иши-40

Рейтинг-34

Ташкент - 2012

Фанинг ўқув дастури Мирзо Улугбек номидаг Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети Илмий қонгашининг 2010 йил “ ” август даги 1 -сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

5320100 – Журналистика (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги ўқув дастури ва ўқув режасига мувоғик ишлаб чиқилди

Тузувчи:

Филолог.ф.и. доц. Ибрагимов Ш.М.

Такризчилар:

Дўсткораев Б.А. - Ўз ДЖТУ Халқаро журналистика факультети “Матбуот” кафедрасининг мудири.

Умиров С. У - Ўз ДЖТУ Халқаро журналистика факультети “Аудиовизуал журналистика” кафедрасининг мудири.

Фанининг ишчи ўкув дастурни журналистика факультети Илмий кенгашининг 2010 йил “август” даги “1”-сон карори билан тасдиқланди.

Илмий кенгаш раиси:

2010 йил “август” ф.ф.д. проф. Рахмонов Н.А.

Кафедра мудири:

2010 йил “август” доц. Рӯзиев Ф.Қ.

2010-2011 ўкув иили учун “Тележурналистика асослари” (2-кисм) фанидан ишчи ўкув дастурига ўзгартирини ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

“Телевидение ва радиожурналистики” мутахассислиги бўйича “Тележурналистика асослари” (2-кисм) фанининг ишчи ўкув дастурига қўйидаги ўзгартирини ва қўшимчалар киритилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг янги асарлари.
2. Асосий кисмга “Телевидение ОАВларидан бири сифатида” мавзундаги маъруза.
3. Амалий машгулотларни ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар
4. Таалабалар мустакиз таълимимини мазмунни ва хажми
5. Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машгулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти.
6. Назорат саволлари рўйхати.
7. Рейтинг баҳолаш мезонлари
8. Дастурнинг информацион – услубий таъминоти

9. Электрон адабиётлар рўйхатига:  
<http://evartist.narod.ru/journ.htm>.

Ўзгариши ва кўшимчаларни киритувчила:

Фил.ф.н. доц. Ибрагимов Ш.М. \_\_\_\_\_

Ишчи ўкув ластур журналистика факультети Илмий кенгашида мухокама этилди  
ва маъқусланди ( 2010 йил августдаги 1-сонли баённома)

## **КИРИШ**

Курснинг максади, мазмуни ва вазифалари, таркибий кисмлари. Тележурналистикага оид адабиётлар ва ўкув қўлланмалар, турли китоблар, илмий тўпламлар шархи, матбуот нашрлари тавсифи. Курсга алокадор фанлар. Курснинг асосий вазифаси: талабаларни амалиёт тажрибалари билан таништириш.

Ушбу ўкув услубий мажмуанинг асосий максади иккинчи курс талабарининг оммавий аҳборот воситарадан бири бўлмиш телевидениенинг яратилиши, турлари, ўзига хослиги, вазифалари, жанрлари, телевидениеда иш жараёни, жумладан кўрсатув учун материаллар кай тарзда тўплаш билан таништиришдан иборат. Шунингдек, бу дастурга Ўзбекистонда телекўрсатувлар таркиби, ундаги техник маълумотлар хам кирилган.

Бундан ташкари талабалар амалий машғулотларда жаир ва усул тушунчасини ўрганидилар. Турли жанрларнинг кенг кўламдаги тушунчаси хакида маълумот берилади.

Мазкур дастур “Журналистика” йўналини бўйича умумпрофессионал ўкув дастуридан ўрин олган бўлиб, талабаларга и касбий тажрибанинг ривожланиши учун хизмат килади.

Ушбу фан дастури Ҷавлат Стандарти талабларига мувофик равишда 5320100 – Журналистика йўналиши бўйича тузилган. Фанинг мързуза ва амалий машғулотларини ўтказиши жараёнида интерактив усуслардан ва янги педагогик технологиялардан фойдаланилади.

## **ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Фанинг ўқитишдан максад - бакалавр талабаларга Ватан ва хориж тележурналистикаси оид далилларни анилатиш оркали уларнинг ватанинварварлик рухида тарбиялашга кўмаклашиш, умуминсоний қадриятлар ва гуманистик ғояяларга таянган холда тележурналистика тараккиёти конунлари, вазифалари ва тамоилларини очиб бериш, телевидениенинг табиати ва теленублицистника жанрлари хакида маълумот олиши хамда бўлажак теленублицистларни машҳур журналистларнинг фаолияти хамда ижодий маҳорати билан таништириш оркали уларнинг касбий савиясини юксалтиришга кўмаклашиш.

Фанинг вазифалари – Ўзбекистон журналистикаси, чет эл журналистикаси, радио ва телевидение тарихининг асосий босқичлари, таникли журналистлар фаолияти, журналистиканинг жамият хаёти, маърифий – маданий муносабатларда тутган ўрни, хозирги замон Ватан ва жаҳон журналистикаси фаолиятининг асосий йўналишларини ўргатишдан иборат.

## **ФАН БҮЙИЧА БИЛИМ, КҮНИКМА ВА МАЛАКАГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

“Электрон оммавий ахборот воситалари” ўкув фанини ўзлантириши жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр :

- Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси асослари, телерадиожурналистиканинг журналистика тадрижий тараккиётидаги ўзига хосликлар; оммавий ахборий фаолиятнинг ижтимоий – иктисолий, маърифий – маданий асослари, умуминсоний жараёнларда тутган ўрни ва аҳамияти; тележурналистиканинг Ватан тараккиётидаги фан – техника ривожининг ўрни ва аҳамияти; журналистиканинг бошка фан соҳалари билан алокадорлигини билиши керак;

- мамлакатимиз ва хорижда нашр килинадиган даврий матбуот, телевидение ва радионинг асосий турлари, йўналишлари ва машҳур журналистлар фаолияти ва маҳоратига оид маълумотлар; жаҳоннинг йирик ахборот агентликлари, марказлари ва уларнинг фаолияти; ахборий жамият; ахборот узатишнинг замонавий техник воситалари ва уларнинг аҳамияти оммавий ахборотнинг жамиятни бошқаришлари вазифаси ва аҳамияти: миллӣ гоя, миллӣ мағкурани ҳалкка сингдириш, ижтимоий иктисолий тараккиётта таъсир этиш омилини ишлата билиш кўнукмаларига эга бўлиши керак;

- Теле-радио журналистикаси тадрижидаги жараёнларнинг ижтимоий – сиёсий асослари; атокли тележурналистлар, муҳаррирлар, журналист – публицистлар ижодини таҳлил килиш; оммавий ахборотга оид конунлар, карорлар ва таъбирларни тадбик эта олиш; турил давларларда эфирга узатилган кўрсатувларни таҳлил килиш; теле- ва радиоэнтизијалар таркибий, дастурий хусусиятларидан фойдалана олиш; оммавий ахборотнинг техники воситалари тараккиётига хос ҳолда ишлай билиш малакаларига эга бўлиши керак.

### **ФАННИНГ ЎҶУВ РЕЖАДАГИ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТДАН УЗВИЙ КЕТМА – КЕТЛИГИ**

“Электрон оммавий ахборот воситалари” фани асосий иктинослик фани хисобланниб 3,4,5 семестрларда ўқитилади. Бу фан «Радио-телевидение тарихи» фанлари, «Телевидение техникинига ва технологияси», «Кино назарияси ва амалиёти фанлари», «Аудиовизуал журналистика асослари» фанлари билан узвий боғлиқлариди.

### **ФАННИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЎРНИ**

Электрон оммавий ахборот воситаларини ўрганишда Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси тарихи, теле-радио журналистиканинг тадрижий тараккиётидаги ўзига хосликлар; оммавий ахборий фаолиятнинг ижтимоий – иктисолий, маърифий – маданий асослари, умуминсоний жараёнларда тутган ўрни каттадир.

Шунин учун ушбу фан асосий иктинослик фани хисобланниб, ишлаб чиқарни тизимишининг ажралмас бўгинидир.

## **ФАННИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

Талабалар “Электрон оммавий ахборот воситалари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илгор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот – педагогик технологияларни тадбик килиш мухим аҳамиятга эгадир фанни ўзлаштиришда дарслик ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал моделлар, кўргазмали куроллардан фойдаланилади. Шунингдек, амалий машғулотлар жараёнида студияда талабалар ижодий кобилиятини шакллантириш максадида кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш. Маъруза ва амалий дарсларда мосравишидаги илгор педагогик технологиялардан фойдаланилиди.

Фанни ўқитишида янги илгор ва замонавий усулларидан, янги информацион педагогик технологиялардан: “бумеран”, “интерфаол”, “аклий хужум”, “6\*6” каби методлардан фойдаланиши ўқитувчи билан талаба ўртасидаги билим олини ва бериш кўнижмасини яратилишида асосий мезонлардан биридир.

Асосий кисм  
(маъруза)

## **ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ИХТИРО КИЛИНИШИ ВА РИВОЖЛАННИИ ЖАРАЁНИ.**

Хак оғзаки ижодида узокни кўриш орзуни. Ёзма адабиётларда бадиий образ қаҳрамонлари “Ойин жаҳонда” намоён бўлиши. XIX асрдаги буюк кашфиётлар.

Тасвири масофага узатишдаги биринчи тажрибалар. Немис мұхандиси Паул Нипков томонидан механик телевидене ихтиро килиниши. Петербург Технология институти профессори Борис Львович Розин тасвири масофага узатишда нур тарқатувчи электрон трубкамни кўйлаши ва ёргу фонда бир-биринга параллель иккита кора чизикни нур тарқатувчи электрон трубкада кабула килиниши тажрибада синааб кўриши.

XIX-XX асрларда жаҳонда телевиденинг ихтиро килиниши. Механик ва электрон телевидение. Ўзбекистон-электрон телевидение ватани. Б.П. Грабовский ва бошжалар билан ҳамкорликда радиотелефотининг ихтиро килиши. 1928 йил Тошкентда электрон телевидение синовдан ўтиши. Ўзбекистон ҳукуматининг ёш ихтирочиларга амалий ёрдами.

## **ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТУРЛARI**

Механик ва электрон телевидение. Мамлакатда ок-кора ва рангли телевиденис даври. Спутник (Йўлдош) орқали телекўрсатувларни ташкил этиши ва самарадорлиги. Интерактив телевиденинг афзаллиги. Ўзбекистонда кабелли телевидение. Телевизион стандартлар масаласи ва ечими. Ракамли телевидение. Телевиденинг мулкчилик жиҳатидан турлари. Жаҳондаги етакчи телекомпаниялар. Йирик телемагнатлар.

## **ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ҲОЗИРГИ БОСКИЧДА**

Ўзбекитонда телевизион кўрсатувларни ташкил этишнинг босичлари. Мустакиллик даврда телевидениенинг ўрни ва роли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда телевиденини ривожлантиришда асосий рол ўйнаган Фармонлари хамда Ҳукумат карорлари. Давлат ва нодавлат телеканалларнинг фаолияти. Телевизион каналларнинг ўзига хос хусусиятлари ва дастурлари. Ўзбекистон телеканалларнинг 24 соатлик кўрсатувларга ўтиш жараёнлари. Телекўрсатувларнинг таъсирчанлиги. Ўзбекистон телевидениеси фаолиятини мувофиқлантириш. Телевидениенинг таъсирчан воситалари. Республика телевидениесининг кўрсатувлари дастури ва журналистлари вазифалари.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗМИ ВА ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ**

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизими. Телевидение таҳририятлари. Таҳририятлар вазифаси. Студиялар. Продюсер, режиссёр, режиссёр ассисенти, оператор, овоз режиссёри, монтажчи ва б. вазифаси. Телекўрсатув жамоавий ижод тури сифатида. Кўрсатув тайёрлаш жараёни. Кўрсатув тракти. Телевидениенинг жамият маънавий хаётига таъсири. Телевидение фаолиятини мувофиқлантириш.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО.**

Ахборотни кабул килиш усуллари. Радиоэшилтиришлар ўзига хос хусусиятлари. Бевосита тирик овоз оркали инсон хакида маълумот олиш. Сўзловчи нуткига эътибор. Психологик механизм -«ишонниш ва ишонмаслик фильтри». Радио факат эшишил кобилятига таъсир киласа, телевидениеда эса кўриш имконияти ҳам бор. Яхши радиопъеса радиодраматургиянинг ўзига хос хусусиятларга эга. Радиода драматургия конунлари. Радио биргина овози билан телевидениега нисбатан ахамиятли томони: якка овози билан инсон таассуроти, унинг тасаввурига кучлирот таъсири. Сўз-буюк кудрат. Радиоэшилтириш билан телекўрсатув аспектига тафовут. Радиоэшилтиришнинг ижтимоий вазифаси.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ТЕАТР.**

Театр нима? Телевидение билан театрнинг бир-бирига ўхшаш томонлари. Студия ва саҳнанинг боғлиқ томонлари. Саҳна интервью телевизион интервьюдан нимаси билан фарқ кипади-ю, нимаси билан ўхшаш? Телевизион кўрсатув тайёрловчилари (сценарий муаллифи, режиссёр, актёр) нутқи назаридан телевидениенинг театр билан якинлаштирувчи жиҳатлари. Телекўрсатув ва театрнинг макон ва замонда ифода этилиш усуллари. Театр ва телевидениеда кинодан фарқли ўларок кўреатиш вақти жисмоний характерат вақти билан бирлиги. Театр драматурги театр саҳнасида бир катор имкониятларга эга бўлиб, томошибин тасаввурда характерат вақтини кискартириши мумкин. Телевидение макон ва замон борасида театрга нисбатан кўпроқ техник имкониятларга эга: характерат бир вақтнинг ўзида бир неча майдончада рўй бериши мумкин. Театрнинг экранда ифода этилиши. Театр режиссёри билан телевидение режиссёрининг вазифаси.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА КИНО.**

Кинонини хакиқатга якинроқ эканлигига сабаб, асосан ундаги тасвир реал воқейлик ифода этилиши билан бирга бир канча фотосуратларнинг характерати туфайли юзага келиши. Тасвирга олиннанда телевидение ва кинонинг ўхшашлик томонлари. Кинотасвирда режиссёрининг маҳорати. Телевидение ўз унсурларини кинодан олган бўлса ҳам, кино телевидение каби бўлаётган воқсани бир вақт ичидан тасвирга олиб томоншибинларга ҳавола ўтмайди. Кинопублицистиканинг ахамияти. Кинонинг телевидениесдан асосий

фарки. Телевидение ва кинода макон ва замон. Телевидениенинг кинодан фарки унинг ижтимоий вазифасидан келиб чиқади: телевидение журналистик вазифани бажарса, кино санъат вазифасини бажаради.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОМАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ВА ТАМОЙИЛИ.**

Телевидениенинг ОАВлари тизимида алоҳида ўрин тутиши. Телевидениега таъриф. Телевидение тамойили: инсонийлик, ҳаққонийлик, ошкоралик, миллийлик, бағригенглик, партиявидийлик ва б. Телевидениенинг матбуот тамойили ва функцияларини бажаришдаги ўрни. Телевидение ахборот узатишда ўзига хос товуш ва тасвирининг томошабинга бевосита каратилган тури сифатида. Телевидение кўрсатувларининг сарҳад билмаслиги. Тезкор телевизион янгиликлар.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Телекўрсатув икки йўналишда: телевизион-техника ва телевизион журналистиканинг маҳсули сифатида телетомонашон ётиборига ҳавола этилиши. Гелемарказда студияларга ўнатилган камералар ердамида тасвир студия пультига ва у ердан марказий пультта юборилиб тарқатилиши. Телевизон сигналлар электромагнитик тўлкин ёрдамида тарқатилиб «кенг кўламлигига» намоён бўлади. Телевидениенинг хонакилиги ёки экранлигиги. Телевидениенинг кўп кирралиги: йўлдошли, кабели, видеокассетали ва ракам тасвирии телевиденислар мавжуд. Телевидениенинг тасвирийлиги нарса, ходиса ва образларни жонли ва жонсиз килиб кўрсатиша бевосита ва бильоситалик хусусияти. Телевидениеда ахборотнинг шахсланиши.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ.**

Журналист бир томондан доим аудиториянинг талабини хисобга олиш лозим бўлса, иккинчи томонда телекўрсатув тайёрловчи ташкилот томонидан белгиланган мақсадиларга хизмат килиши. Баъзи мамлакатларда кўрсатув учун лицензиялар берадиган давлат органларининг аввалги анъаналарга мувофик тижорат телеканаллари, телестанция эгалари олдига каттик талаблар: кўрсатув берувчи аудиториянинг факатгина кўнгил очишини эмас, балки унга ахборот етказиш ва маънавий юксалтириш мажбуриятини хам олиши. Кўрсатув бу – миллий бойлик; Географик универсаллик; Барчанинг дид ва манфаатларни кондириш; Миллий озчилик манфаатларини хам ифода этиш; Миллий рух ва жамоатчилик хакида ғамхўрлик килиши. Аудиторияни кенгайтириш мақсадида кўрсатувлар савиёсини оширишига интилиш. Ҳукумат ва шахсий манфатлардан воз кечини. Ходимлар ижодий эркинлигини таъмин этиш Ахборот узатиш вазифаси. Маданий – маърифий вазифаси. Интегратив вазифаси. Ижтимоий-педагогик вазифа. Ташкилотчилик вазифаси. Таълим берини вазифаси. Рекреатив вазифа.

### **ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАБИАТИ. ЭКРАН УНСУРИ.**

Телевидение оммавий ахборот воситасини бўлиб колмай, балки ижоднинг бир тури ҳамдир. Маълумки, экран унсурни киночилар томонидан вужудга келтирилган. Хозирги ҳар бир лаҳзада кўринадиган экран рамкаси билан чегараланган макон кисмининг тасвири «кадр» деб аталади. План – леб кадрла мавжуд бўлган тасвир

масштабига айтилади. «План» тушунчаси. «Ракурс» хам экран унсурининг мухим элементларидан бири хисобланади. Кадрларнинг маълум тартибда жойлаштирилиши монтаж деб аталади. Кадр бир зумдаги фотосуратларнинг маълум бир микдоридан иборатдир, уларнинг ҳар бири *кадрча* дейилади. *К о н с т р у к т и в* монтажни билан элементи, таркибий кисмидир. Ҳикоянинг драматургик жиҳатидан кизғинлик билан олиб боришнинг киноматографик воситаларидан бири *«параллел монтаж»*дир. Ички субъектив алокаларни кўрсатиш учун кўлланиладиган параллел монтаж – *ассоциатив монтаж* дейилади. Ҳаракатланувчи камера билан тасвирга олишининг турлари: улардан бири – *панорамалаштириши*, съёмканинг иккичи тури – *ҳаракат ёки тревеллинг*, учинчи тури – *траекторияли съёмкадир*.

### **ОПЕРАТОРЛИК КАСБИНИНГ ИЖОДИЙ ТОМОНЛАРИ**

Операторлик касби доирасида ҳужжатлилик. Ҳужжатли фильм оператори кино ва телевиденияда кабул килинган стандартлар. Ҳужжатли фильмлар оператори коммуникация каналлари ва ундаги талаблар билан узвий боғлиқлиги. Операторлик касбнинг ривожланишини умумий анъанавий тараққиёт босқичлари. Кинооператор воеаларни маҳорат ва катињатлик билан унинг мумкин бўлган максимал умумийликлда тасвирлаши. Оператор олдида танлов. Ҳужжатли кино соҳасида йиғилган тажриба ва янги техник воситалар түфайли *экран прозаси* босқичига ўтиши. Операторлик касби публицистик экраннинг икки хил кўринишини- кинематография ва телевизион боғланиши. Ҳужжатли фильм яратувчи операторнинг материали ўзи кўриб, ўз дунёкарашига кўра, ҳаётни ҳар томонлама сеза билиш мумкин бўлган материаллар.

### **ЖУРНАЛИСТ ФАОЛНЯТИДА РЕЖИССУРАНИНГ ТУТГАН ЎРИИ.**

Журналист-режиссёр-тасвиричи маҳорати. Кўрсатув тайёрлашда ижодкор учлиги масаласи. Экранда тасвири бирламчилиги масаласи. Сўз ва тасвири муносабатлари Шакл ва мазмун бирлиги муносабатлари. План, ракурс, кадр тушунчалари. Кўрсатув моҳиятини очища режиссёрнинг тутган ўрии.

### **ТЕЛЕПУБЛИЦИСТИКАНИНГ ЖАНРЛАРИ**

Телепублицистика жанрларнинг гурӯхларга бўлиниши. Журналистикада “жанр” тушунчаси. Борликни акс этирилишининг турғун шакл маъносини билдириши. Бу шаклнинг журналистик асарининг маълум максад, йуналиши, танлаган обьектини моҳияти, ҳаётй факт, ходиса ва холатларининг таҳлил килиши усули ва холосатлар миқеси, шунингдек, композицион – услубий хусусиятлари билан белгиланиши. Ахборот, таҳлилий ва бадиий публицистик жанрлар.

### **ТЕЛЕВИЗИОН СЮЖЕТДА ЖАНР ҚОНУНИЯТЛАРИ**

Телевизион сюжет тайёрлашда амал килинадиган мезонлар. Сюжетга кўйиладиган талаблар. Телевизион сюжет тайёрлашда факт ва далиллар билан ишлаш. Сюжет учун материал йигиш. Уни ўрганиш. Сюжетни тезкор, холис ва асосли етказишни таъминлаш. Хабар таъсиричанинги ошириш масаласи. Информацион сюжет устида ишлани усувлари.

### **КЎРСАТУВЛАРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИЖОДИЙ ЖАРАЁН.**

Телевизион журналист фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Мавзуни ёритища журналистиининг тутган ўрни. Мавзу танлаш ва уни эфирга олиб чикишда журналист фаолияти. Мавзу ёритища сценарийнинг тутган ўрни. Сценарий ёзишда амал килинадиган мезонлар. Сценарий. Сценарий турлари. Сценарий компазицияси. Сюжет ва фабула. "O'zbekiston" ва "Yoshlar" телерадиоканалида информацион кўрсатувларнинг сценарийси, сухандон матни устида ишилаш. Информацион кўрсатувларга сценарий ёзиш.

## **ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАХОРАТИ.**

Сўз–кучли қурол. Телевидениеда тилнинг, овозининг катта ахамиятга эга эканлиги. Нуткнинг тўгри талаффуз килинishi. Ширин сўз–жон озиги. Камера олдидаги нутк. Овоз ва талаффуз. Ўз–ўзига ишониш. Пауза, мимика, темпи тушунчаларига изоҳ. Мусика ва шовкиндан фойдаланиш. Муаллифлик кўрсатувларни журналист ва бошловчининг тутган ўрни. Муаллиф гояси ва уни томошабинга ётказб берини масаласи. Кўрсатув олиб боровчи маҳорати, бошловчи нутки, матн билан ишилаш муаммолари. Бошловчи имиджи, тили, маҳорати масаласи. Ўзбек алабий тили нормалари. Диалктика. Нутк устида ишилаш. Телевизион кўрсатувларда ўқиин керакми е гапириши? Жонли эфир масаласи. Информация етказиб беринида журналист позицияси Мавзуни очиб беринида журналист ихтисослашуви. Кўрсатув олиб бориша мавзуни ўзлантириши.

## **ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА МУХБИРЛАР ТИЗМИ ВА МУҲАРРИР ВАЗИФАСИ.**

Ахборотни тезкор етказиша мухбир фаолиятининг тутган ўрни. Ўз ва маҳсус мухбирлар. Мухбирларнинг материал билан ишилаш мезонлари. Тўғридан-тўгри эфирда мухбир. Вилоят мухбирларининг фаолияти. Мухбирлар маҳоратини оширип режалари тузилемаси. Телевидениеда мухаррир ўрни ва вазифаси. Мухаррир ижодий жараён ташкилотчиси. Сухбатдошли мавзуга тайёрланни.

## **ТЕЛЕВИДЕНИЕДА АУДИТОРИЯНИ ЎРГАНИШ.**

Аудиториянинг кабул килини психологиясини ўрганиши. Кўрсатув ва томошабин. Кўрсатув томошабинлари ўртасида социологик тадқикот ўтказиш. Социологик тадқикот асосида кўрсатув савиёси устида ишилаш. Кўрсатув рейтгини. «ОАВлари аудиторияси» тушунчаси. Аудиторияни ўрганиш. Телеаудиторияни илмий жихатдан урганишининг формаси. Йуналиши, асосий тамойиллари, устублари. Телевизион почта анализи. Тингловчилар конференцияси. Бевосита телемулокат. Анкеталар тайёрлаш. Интервьюинг боскичлари «Муносабат» тушунчаси.

## КИРИШ

Ушбу кўлланманинг асосий максади биринчи ва иккинчи курс талабаларининг ахборот тарқатиш воситаси бўлмиш телевидение ўзига хослиги, телевидениеда иш жараёни, жумладан кўрсатув учун материаллар қай тарзда тўплаш билан таниширицдан иборат. Шунингдек, бу кўлланмага Ўзбекистонда телекўрсатувлар таркиби, ундаги техник маълумотлар ҳам киритилган.

Бундан ташкари талабалар жанр ва усул тушунчасини ўрганадилар. Турли жанрларнинг кенг кўламдаги тушунчаси ҳакида маълумот берилади ва 2 курс бакалаврларига амалиётда тележурналистика жанрларидан фойдаланиш бўйича сабок берилади.

Мазкур кўлланманга “Журналистика” йўналиши бўйича умумпрофесионал ўкув дастуридан ўрин олган бўлиб, талабалардаги касбий тажрибанинг ривожланиши учун хизмат килади.

Ушбу иш дастури Давлат Стандарти талабларига мувофик равиша 5320100 – Журналистика йўналиши бўйича тузилган. Фаннинг маъруза ва амалий машғулотларини ўтказиш жараёнила интарактив усуслардан ва янги педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий кисм  
(маъруза)

## ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ.

Ҳақ оғзаки ижодида узокни кўриш орзуи. Ёзма адабиётларда балийи образ каҳрамонлари «Ойнан жаҳонда» намёён бўлиши. XIX асрдаги бук кашфиётлар. Инглиз меҳаниги А.Бенуа суръат холидаги тасвирин узатиш аппаратини 1843 йили ихтироси. Италиялик аббат Жовани Козелли томонидан 1858 йил таклиф килинган бу аппарат. Пантограф телеграфи Ж. Козеллининг бу ускунаси 1866-1868 йилларда Петербург билан Москва оралигига тортилган сим орқали синааб кўрилиши.

Тасвири масофага узатиш 1878 йили Португалияли А. де Паива, 1880 йили рус олимни ва ихтирочиси П. И. Бахметев томонидан таклиф этилган лойихалар. Инглиз электротехниклари Жон Пери ва Уильям Эдвард Эйртонларнинг 1880 йилда тасвир узатиш ва кабул килишида таклиф этган схемалари. 1884 йили немис мухандиси Паул Нипков томонидан механик телевидене ихтиро килинди.

1897 йили бир мухим ихтиро килинади, немис физик олими К.Ф. Браун осцилограф учун нур тарқатувчи электрон трубка яратади. 1907 йили Петербург Технология институти профессори Борис Львович Розинг тасвири масофага узатишда нур тарқатувчи электрон трубкани кўлланиши. 1911 йили 22(9) майда Розинг ёруғ фонда бир-бираига паралель иккита кора чизикни нур тарқатувчи электрон трубкада кабул килишини тажрибада синааб кўриши.

XIX-XX асрларда жаҳонда телевидениенинг ихтиро килиниши. Б.Л.Розингнинг тадқикиoti ва амалий тажрибаси. Механик ва электрон телевидение. Ўзбекистон ихтирочиларининг электрон телевидение тараккиётига кўшган хиссаси. Ўзбекистон-электрон телевидение—вагани. Б.И. Грабовский ва бошкалар билан ҳамкорликда радиотелефотининг ихтиро килиши. 1928 йил Тошкентда электрон телевидение синовдан ўтиши. Ўзбекистон ҳукуматининг ёш ихтирочиларга амалий ёрдами.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТУРЛARI

Механик ва электрон телевидение. Мамлакатда ок-кора ва рангли телевидение даври. Спутник (Йўлдош) оркали телекўрсатувларни ташкил этиш ва самарадорлиги. Бевосита телевизион эшииттириш – бу эшииттириш Йўлдошдан тўлқинлар уй антенналари томон таркалади. Йўлдош системаларини ишлаши ва фойдаланиш тартиби биринчи ўринда хар доим харбий-техника конунига бўлинган бўлади. «Орбита», «Экран», «Горизонт» спутник базасида тузилган, янги «Москва» спутник кўрсатувлар тизими ишга солинганлиги. Халқаро ташкилот таркибида бир канча аъзолар мавжуд, булар «Интелсат» (Америка давлати «Комсат» корпорацияси назорати остида жойлашган 106 та мамлакатнинг бирлашувидир), кейингиси «Евтелсат» (26 мамлакат коммуникацион хабарларини берадиган европа спутник алокаларини бирлашиши), «Арабсат» (бир канча Араб мамлакатларини бирлашуви). Интерактив телевидениенинг афзаллиги. Ўзбекистонда кабелли телевидение. Телевизион стандартлар масаласи ва ечими. Раками телевидени. Телевидениенинг мулкчиллик жихатидан турлари. Жаҳондаги етакчи телекомпаниялар. Эй-Би-Си, Си-Би-Эс, Эн-Би-Си, Си-Эн-Эн, ФОКС, ЕвроНьюс, РТФ, РАИ, Би-Би-Си, АРД, ЦДФ нинг ластури ва унинг бошловчилари хакила, 1-канал(ОРТ), РТР, НТВ, ТРТ, ТВ-6, ТНТ, УзТВ, Эн-Эйч-Кей телерадиокомпаниялари хакила киёсий маълумот берилади. Йирик телемагнатлар Американи Си-Эн-Эн телекомпанияси ва унинг эгаси Тед Тернер хакила маълумот. Тед Тернер, Сильвио Берлус-кони, Руперт Мердок, Жером Сайд, Роберт Максвелл, Гастон Торн, Борис Березовский, Леонид Гусинский, Фирдавс Абдухоликов, Шуҳрат Аҳмадов. Буларнинг барчаси телевидение оркали ахоли нима кўришини хал кирадиган бизнесменлардир. Янги технологиянинг пайдо кириб келиши, кўрсатувларнинг ранг-баранг бўлишига олиб келди. Жаҳонда кабел телевидениесининг тараккий этиши. Кабел телевидениеси юксак тасвирни таъминлайди.

### **ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА.**

Ўзбекитонда телевизион кўрсатувларни ташкил этишининг боскичлари. Мустакилик даврда телевидениесининг ўрни ва роли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда телевидениеси ривожлантиришида асосий рол ўйнаган Фармонлари. Давлат ва подавлат телеканалларнинг фаолияти. Телевизион каналларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ластурлари. Ўзбекистон телеканалларнинг 24 соатлик кўрсатувларга ўтиши жараёнлари. Телекўрсатувларнин таъсирчаниги. Ўзбекистон телевидениеси фаолиятини мувофиқлантириши. Телевидениесининг таъсирчан воситалари. Республика телевидениесининг кўрсатувлари ластури ва журналистлари вазифалари. Истикюл даври ўзбек миллий телевидениесининг илк каламлари. Ўзбекистонда майший мағкура, жамиятнинг мишлий гоясини яратиш йўлидан янгидан-янги вазифаларни хал этишидан бошланди. Телевизион ластурларнинг гоявий йўналиши, кўрсатувларнинг мазмун-мундарижаси янги давр талаблари нуктаи назаридан кайга кўриб чиқишиб, ижтимоий салоҳияти орти! Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 7 январи, Фармонига мувофик. Ўзбекистон Телевидение ва Радиоэшииттириш Давлат Кўмитасининг Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига айлантирилди. Даврнинг ТВ ижодкорлари олдига янги жамият курини, унинг фалсафаси ва мафкуравий карашларини шакллантириш билан болалик масалалар, янгича хаёт ва тафаккур тарзини тарбиб килиш сингари кўпилаб вазифаларни кўйини телевидение тизимига янгидан — янги ўзгартирishлар киритиши заруратини тақозо иди. Шу сабабдан мавжуд «Ахборот», «Ижтимоий-сиёсий», «Иктисол», «Ёшлик» студияси, «Мусикий кўрсатувлар», «Адабий-драматик», «Болалар ва ўсмирлар», «Спорт», «Кино» бош мухарририятлари

янги ижодий бирлашмалар таркибида бирлаштирилиши. 1993 йилда «Омад» тижорат каналининг ташкил бўлиши ва унга истеъодли, телевидение санъатини чукур биладиган ижодкорларнинг таклиф этилиши ижодий жараёнларнинг ижобий кечишига таъсир кўрсата бошлади. 1994 йил 28 марта Давлат телевидение ва радиоизшиттириш компаниясининг кўрсатув ва эшигтиришлари хажмини кўпайтириш, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги карори ёълон килинди ва унга асосан Ўзбекистон телевидениесининг 3 та канали узлуксиз ишланиш таъминланган ва кўрсатувлар хажми 16,5 соатга ва бунда телевидениесининг ўз маҳсулотлари 10 соат хажмга етказилди. 1996 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фаромони кабул килинди ва Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жойарда худудий бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон телерадиокомпанияси (Ўзтелерадио) деб ўзгартирилди. 1997 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс кайта жиҳозланти тўғрисида»ги карори ёълон килинди. Карорга асосан 1998-2006 йиллар давомида «Республика телерадиомаркази» давлат унитар корхонаси, «Ўзбекистонтефильм» давлат унитар корхонаси билан бирга Наманганд, Каракадарё. Самарканд вилоятлари телерадиокомпаниялари ҳам Австрияning «Сименс АГ» ва Германияning «БФЕ АГ» фирмаларининг ёнг замонавий техникалари билан жиҳозланди. 1998 йил 26 марта Давлат телевидениесининг 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Телевидениесида янги мустакия канал — «Ёшлар» телеканали ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимиз ёшлиари хаётининг деярли барча кирраларини ёртиши, уларни мустакил давлатимизга мунособ авлод килиб вояга етказишга ёрдам бериш йўлида иш бошлаган каналга «Ёшлар» деган ном берилди.

Бу ишларнинг барчаси олдинга кўйилган мақсаднинг нечоғлик мухим эканлигини англатади. 2003 йил 4 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорига биноан «Спорт» телеканали ташкил этилди. Карорда берилганидек, телеканал кўрсатувлари 2004 йил 1 январдан бошлаб кунинг 6 соат, апрель ойидан эса, 8 соатга етди. Россияning 1 канали кўрсатувлари ретрансляцияси эса 5 соат хажмилда бўлди. Умумий «Спорт» телеканалининг бир кунлик эфир хажми 13 соатни ташкил килади. 2005 йил 8 ноябрда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустакил телерадиоканалларни ислоҳ килиши ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан мустакил телерадиоканалларни янада ривожлантириш ва ислоҳ килиш ижтимоий-иктисодий, сиёсий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, ахоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама ходис ахборотга бўлган талаб-ҳуқиқиятларини кондиришда мамлакатимизнинг электрон оммавий ахборот воситалари ролини ошириши максадида Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси этиб кайта ташкил этилди. 2006 йил 27 декабрда мазкур фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги карори ёълон килинди. Бу борада ҳам аник ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги куйидагилар: «Ўзбекистон» телеканали ва «Ўзбекистон» радиоканали негизида «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонаси; «Спорт» телеканали ва «Машъял» радиоканали негизида «Спорт» телерадиоканали давлат унитар корхонаси; «Тошкент» телеканали ва «Дўстлик» радиоканали негизида «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонаси; «Республика телемаркази», «Республика радиоэзишириши ва овоз ёзиш уйи», «Нукус телемаркази» негизида «Республика телерадиомаркази» давлат унитар корхонаси; «Ўзбекфильм» студияси негизида «Ўзбектелефильм» давлат унитар корхонаси; «Ёшлар» телеканали ва «Ёшлар» радиорадиоканали негизида «Ёшлар» телерадиоканали ёпик акционерлик жамияти. Интернет тизимига ўтиш жараёнлари. Сунъий ер йўлдошлиари орқали узатиладиган хориж телеканаллари тажрибалирдан ўрганиш янги замонавий телетехнологиялардан ўзлаштириши. 2007 йил 1-май “Ўзбекистон” канали, 2009 йил 1-март “Ёшлар”, “Тошкент” ва 2010 йил 1-августдан “Спорт” бошлаб 24 соатлик кўрсатув ва сунъий йўлдоши орқали намоиш этилиши. Нодавлат телевидениенарнинг пайдо бўлини ва тараккиёт боскичлари.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО.

Ахборотни қабул қилиш усуллари. Сиз газета ва журналда интервью ўқиганини изда, интервью олган киши, ҳакида қандайdir гасаввурга эга бўласиз. Бирок, унинг айтганиларини тўпша-тўғри қабул кила олмайсиз, чунки у бошқачароқ ҳам гапирган бўлиши мумкин. Иккинчидан бу шахснинг интеллектуал кобилияти ҳакида маълум гасаввурга эга бўласиз, бирок, унинг ўзига хос жисмоний хусусиятлари япирин бўлади. Радиожинтиришлар ҳам деярли шундай. Бевосита тирик овоз орқали сиз инсон ҳакида қандайдир маълумот оласиз: ахир у ёки бу овоз тинклиги, жарангдорлиги, интонация, ганирини усули – буларнинг хаммаси маълум киши ҳакида хабар беради. Сўзловчи нуткига ўтибор бермасдан, биргина овозининг ўзидан нафакат унинг ёки карилигини, балки уни кувинок ёки зерикалигини, багри кенг ёки баҳилигини ҳам билинингиз мумкин. Кўз ўнгимисдан киши хикоясини айтгib туриб чехраси, хиссиети, гаассуротлари билан сизга кучлироқ таъсир килади. Шу ерда психологик механизм ишлай бошлайди. олимлар уни «инсонни шинонмаслик фильтр» деб атагади. Агар одам чехраси бу фильтрни эгалай олса, унинг нутки таъсирни бир неча бор ошади, бу эса ҳар қандай даилиллардан кучлироқ инсониради. Радио факат эшиши кобилиятига таъсир киласа, телевидениеда эса кўриш имконияти ҳам бор.

Радиоспектаклыни телевидениега механик гарзда кўчириш холлари факт мудаффакиятсизлик билан тутаган десак бўлади. Бу омадсизликлардан бири актёрларнинг ташки қўрининши (овозининг сифати тўғри келганда ҳам) экранга туимайди. Бирок буни ҳам бир амалласа бўлиши мумкин. Ахир радиоъессан телевидениеда ижро этиши учун драмматургия талабларига жавоб берувчи бошка актёрларни чакириши мумкин. Мудаффакиятсизликка асосан бошка холатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Яхши радиоъесса радиодраматургиянинг ўзига хос хусусиятларга эга.

Драматургия конунлари шуни талаб киладики. радиоъесала айтгиладиган сўз нафакат персонажининг фикр ва гояларини акс эттириши керак, балки воеа-ходиса ривожини, вазиятни кўз олдига келтириши учун ҳам хизмат қилиши керак. Телевиденияда бундай талаб кўйилмайди. Чунки жой холати, қўрининши персонажини жисмоний харакати бевосита экранда тасвириланади

Аввало радионинг ҳам ўзига хос хусусияти бор уни ҳамма ерда ҳар қандай шароїлда ва ҳар качон ишлатни мумкин. Ундан ташкари, уни муҳими радио биргина овози билан телевидениега ишебатан аҳамиятли томони бор якка овози билан гаассуроти.

унинг тасаввурига кучлирок таъсир килиши мумкин. Сўз-буюк кудрат, бирок тасвир сўздан фойдаланишни чеклаб кўяди, уни бошқача ишлатишни талаб килади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, телевидение кўриши оркали одамни анча толикитиради. Радио эшиттириш, айникса мусикӣ бўлса, у приёмник олдига бутунлай берилиб ўтиришни талаб килмайди, телевидение эса аксинча.

Телевидение декорация, грим, кастом, ракурс, план ва бошқа муҳим омиллари мавжудлиги билан радиоэшиттиришдан фарқланади.

Радиоэшиттириш билан телекўрсатув аспектда битта нарса: эфир бўйича ахборот узатишида марказидан электрон магнит тўлкинларини бир вактнинг ўзида миллион нукталар қабул килади. Радиода электромагнитик сигнал факат овоз хакида маълумот етказади, телевидениеда эса овоз ва тасвир хакида етказади. Шу техник сабабларга кўра радио ва телевидение программаси бир хил характерда аудиторияга қаратилган ва шунга кўра, радиопрограмма билан телепрограмма умумий максад ва вазифаларга эга.

Телевидениенинг ижтимоий вазифаси радиоэшиттиришнинг ижтимоий вазифасига мос тушсада таъсир этиш воситалари турлилиги билан бир-биридан фарқланади. Шу хусусияти бўйича аудиторияга таъсир этиш усули хам бошқача.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ТЕАТР.

Биз тасвирлаган сухбат саҳнада бўлиши хам мумкин. Айтайлик, кайсиdir спектаклда иккι катнашчи – машхур сайёҳ ва муҳбир ўртасида сухбат кетяпти. Мана шундай интервью телевизион интервьюдан нимаси билан фарқ килади-ю, нимаси билан ўхшаш.

Ўхшашлиги шундаки, телекўрсатув ва театр томошабинлари интервьюю иштирокчилари билан бир вактда бўлинади. Йанин улар интервью содир бўлаётган пайтда гувоҳ бўладилар. Бу эса томошабинни жалб килишда жуда муҳим.

Телевидение ва театрда яна бир ўхшашликни кўришимиз мумкин. Экран олдила ўтиргандай, саҳна тўғрисида ўтириб ходисини кўрамиз ва эшитамиз, радиода эса факат эшитамиз.

Телевизион кўрсатув тайёрловчилари (сценарий муаллифи, режиссёр, актёр) нуктai назаридан телевидениенинг театр билан якнлаштируви жихатлар кўп экан. Биринчи галда, бу макон ва замон хакконийлигидир. Мисол тарикасида бир пьесани оладиган бўлсак, у ерда асосий хом аниё сифатида сўз кўлланилади. Шу сабабдан телевидение бу сўзларни томошабинга етказиб бериш имкониятига эга бўлганлиги сабабли телевидениенинг хам драматург яратган асари ўзгармас ҳолда кўлланиши мумкин. Театр ва телевидениеда кинодан фарқли ўларок кўрсатиш вакти жисмоний харакат вакти билан бир. Айнан содир бўлаётган харакатнинг бир вактилигига ва уни телевизион камералар томонидан намойиш этилиши бу ҳолда харакатни макон ва замонда «қискартиришга» ва «кенгайтиришга» йўл кўймайди.

Театр драматурги театр саҳнасида бир катор имкониятларга эга бўлиб, томошабин тасаввурда харакат вактини қискартириши мумкин. Театр саҳнасида фактни қискартиришининг энг осон йўли – нарсаларни туширишидир. Телевидение макон ва замон борасида театрга нисбатан кўпроқ техник имкониятларга эга: харакат бир вактнинг ўзида бир неча майдончада рўй бериши мумкин. Бундай имкониятларнинг энг муҳими – видеомагнит ёзув монтажи худди кинодагидек каби осонлик билан макон-замон давомийлигини енгиб ўтиш учун имконият яратади.

Телевидение ва театрни ўрганиб, энди улар ўртасидаги фарқларни хам кўриб чикайлик. Аввало, театр залида ўтириб сиз саҳнанинг мавжуд хажмий борлигини, мавжуд хакикий одамларни, мавжуд нарсаларни кўрасиз. Телевидение экранида эса сизга одамларнинг ва предметларнинг тасвир ва ранглар уйунлиги намоён бўлади. Албатта, томошабин учун телевизорни кўйиб Хозирда камера олдила турган одамнинг тасвирини кўриши (тўғрилан-тўғри эфирга узатиласидан телекўрсатув бўлса) катта ахамиятга я-

Аммо унинг кархисида барি бир ҳакикий одам эмас, балки оптик эффект, саҳнанинг реал кўриши эмас, балки экран ойнасиdir. Бошқача килиб айтганда, телевидениеда «тескари алокা», яъни томошабиннинг актёрга таъсири йўқ (айрим кўрсатувлардаги телефон алоқадан ташкари). Бу ерда аудитория характеристидаги хамда телевидение ва театрдаги томоша шартларидаги фарқларни таъкидлаб ўтиш лозим. Телевизион аудитория сифат жиҳатидан хам, сон жиҳатидан хам театрникидан фарқ килали. Унинг хис-туйғу ҳолати умуман бошқача. Театра бориши хамма учун кичик бир байрам ва хамма унга тайёрланади.

Телевидение билан театрины фарқловчи яна бир омил — бу телевизион камеранинг борлик кисмими «кесиб олиши» кобилиятидир. Бу ердан телевидениенинг театрдан яна бир муҳим фарқи — биз рўй берадиган харакатни қандай кўришимиздан келиб чикади. Саҳнада ўтирган уч нафар одамини биз биринчидан, бир хил катталиқда, яъни, бир хил планда, иккинчидан зални доимо бир хил нутгидан кўрамиз. Катталиқни ва нуткай ўзгартираётган режиссёр камераларни ишлатиб томошабинга бир оламни, кейин иккинчисини, кейин уччаласини кўрсатганинги эсланг. Театрда сиз саҳнанинг бутун борлигини кўрасиз, кўришининг бошқа имконияти сизда йўқ. Экранда (камера билан «киркилган», экран билан чекланган) борлик кисмими, яъни «қадрни» кўриш мумкин.

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА КИНО.

Кинонинг ҳакикатга яқинроқ эканлигига сабаб унлаги тасвир бир канча фотосуратларнинг харакати туфайли юзага келади. Тасвир плёнка ёки когозга туширилмаса хам телевидение хам худди шу принцип бўйича ишлади. Бирон бир нарсанинг тасвирини тушуриш учун предметдан тарқалган ёргулук нури объективидаги линза системасидан ўтказни керак бўлади. Кинокамера ва телевизион камералари хам худди шу объектив ёрдамида ишлади. Киноэкрандаги тасвир бир неча фотосуратларнинг тез харакатидан юзага келиб, бу фотосуратлар киноплёнкада акс этирилган, узил-кесил бўлаклардан монтаж килинган бўлади. Телевидение хам худди шу принципи билан ишлади, лекин бу усул телевидение учун бошқача кўлланилади. Телезкан тасвири физика нуткай назари бўйича нурини кайд этиши. Экранда тасвирланаётган воксаларни кўрган бирон бир гомошибин бу воксанни ҳакикатдан хам кўз олдида бўлаётганинги ишонмайди, албатта бу худди фантазияни тасвирга тушургандай гап. Аммо кинотасвирга томошабин кизикиб кетини а режиссёрининг маҳорати катта роль ўйнайди.

Телевидение ўз унсурларини кинодан олган бўлса хам, кино телевидение каби бўлаётган воксанни бир вакт ичидан тасвирга олиб томошабинларга ҳавола этмайди. Негаки кинодаги тасвир воксанни бир вактлар содир этилган бўлади. Кинонинг телевидениедан асосий фарқи шундадир.

Телевидениенинг кинодан асосий фарқи яна шундаки, унинг бир хусусияти — кўриниш шароитлари ва аудиториянинг характеристидир. Ушбу хусусиятлар колганларидан кўра муҳимроқидир. Шундай килиб, телевидениенинг кинодан фарқи унинг ижтимоий вазифасидан келиб чикади: телевидение журналистик вазифани бажарса, кино санъат вазифасини бажаради.

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОМАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ВА ТАМОЙИЛИ.

Телевидениенинг ОАВларни тизимида алоҳида ўрин тутини. Телевидениега таъриф. Телевидение тамойили, инсонийлик, ҳакконийлик, ошкораслик, миллийлик, бағрикенглик, партиянийлик ва б. Телевидениенинг матбуот тамойизи ва функцияларини бажаришдаги ўрин. Телевидение аҳборот узатишида ўзига хос товуш ва тасвирининг гомошибинга бевосита қаратилган тури сифатида. Бевосита ва биљосита кўрсатувлар Телевидение оркали беригаётган аҳборотнинг шахсланини (персонификация -шахс тимсоли) ва муаллиф ўрни. Телевидение кўрсатувларининг сарҳад билмаслиги. Тезкор телевизион япи иликлар.

Курснинг максади, мазмунни ва вазифалари, таркибий кисмлари. Тележурналистикага оид адабиётлар ва ўкув кўлланмалар, турли китоблар, илмий тўпламлар шархи, матбуот нашрлари тавсифи. Курсга алоқодор фанлар. Курснинг асосий вазифаси: талабаларни амалиёт тажрибалари билан танишишири.

Телевидениега таъриф. Телевидениенинг матбуот функцияларини бажаришдаги ўрни. Телевидение ОАВлари таснифида алоҳида урин тутиши. Телевидение матбуотнинг ўзига хос оғзаки, эшитувчига бевосита каратилган тури сифатида. Телевидение кўрсатувларининг сарҳад билмаслиги.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Телекўрсатув икки йўналишда: телевизион-техника ва телевизион журналистикасининг маҳсули сифатида телетомошабин эътиборига ҳавола этилиши. Телевиденияда ахборот яратни ва узатиш канали воситаси сифатида тадқиг кигланимизда унинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиб бориши. Телемарказда студияларга ўрнатилган камералар ёрдамида тасвир студия пультига ва у срдан марказий пультга юборилади. Марказий пультган узатилган тасвир телеминораларга ўрнатилган ретронслятор (тўлкин тарқатувчи мослама) ёрдамида электромагнит тебратувчи тўлкинлар камраб олган худудда узатилган канал орқали телевизион кўрсатувларни кўриш имконияти пайдо бўлади. Бир пайтнинг ўзида минглаб ойлалар телевизорлари орқали телекўрсатувларни кўриши мумкин. Телевидениенинг бундай хусусиятини «кенг кўламлигига» деймиз. Шундай хусусиятлар телевидение аудиториясида унинг оммавийлигини оширишда ва телекўрсатувларни узатишида хизмат килади. Телевидениенинг кенг кўламли хусусияти радиога якин турса хам физикавий жараёнлар электромагнит тўлкинлар тебрианиши турли усуулларда амалга оширилиши билан фарқ килади. Радио узок, ўрта, киска ва ультракиска. FM тўлкинлар ёрдамида эшиттиришларни амалга оширади. Кенг кўламлик хусусият телевидение ва радионинг бир-бири билан турдошлигини билдиради.

Йўлдошли, кабели, видеокассетали ва ракам тасвирли телевидениелар мавжуд. Телевидениенинг кўп кирралиги аудиториянинг дастур танланишини кулагаштириши билан бирга унинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга йўл очади.

Телевидениенинг хонакилиги шундан иборатки, биз исталган вактда дастурда белгиланган кўрсатувни уйимизда ёки инсонада кўриш имкониятимиз бўлади. Оммавий саҳна томошалари ва кинонинг маълум белгиланган жойларга бориб кўрамиз. Телевидениенинг имконияти бир мунча кулаг ва бошқача десак хам бўлади. Телевидение экранида кўреатиладиган предмет ёки образлар бизнинг эътиборимизни каратиш билан бирга хиссиятимизга таъсири килади. Телевидениенинг тасвирийлиги нарса, ходиса ва образларни жонли ва жонсиз килиб кўрсатишадири. Бу унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Оммавий ахборот воситалари орасида факат телевидение воеса- ходисаларни тасвирда бевосита шу дакинанинг ўзида томошибинларга ҳавола килиш имкониятига эга. Телевидениенинг бевоситалик хусусияти ахборотни ишонарни бўлишига замин яратади. Ҳар кандай холат, воеса-ходиса экран орқали кўз ўнгимизда намоён бўлиши телевидениенинг ажойиб хусусиятидири. Камера каршисида бўлиб турган ҳар бир насани ёки инсонни ўзини ўраб туроган манзарани маълум кисми билан ҳеч бир бўяшсиз тасвирлашнинг ўзи мўъжиза десак хато кильмаймиз. Телевизор каршисида ўтирган томошабин экран орқали ифодаланган тасвирни бевосита ва билвосита кузатиш имконига эга бўлади. Бевосита кўрсатув реал воелини намоён килиб томошибининги эътиборини жалб кила олади, ҳамда руҳий ҳолатини акс этиши билан бирга эстетик завъ ва хиссият ўйнота олади. Бевосита кўрсатувлар телевидениенинг оммавий ахборот воситалари ичida самараалорлигини оширинга хизмат килиш билан бирга унини

тезкорлигини ва ахборот узатишда ишончлилигини таъминлайди. Билвосита кўрсатувларга бадиий-публицистик кино, театр, мусикий ва бошка кўнгилочар кўрсатувлар киради. Ушбу кўрсатувларни тайёрлаш жараёни узок вактни камраб олади, хамда ўз навбати билан кўрсатувлар дастурига киритилади. Билвосита кўрсатувлар телевидение видеокассетасида видеотасмага ёзиб олинган холда сакланади.

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ.**

Алоқа воситаси сифатига телевидениенинг ижтимоий вазифасини билиш жамиятда оммавий журналист учун ўзининг маълум ўрнини эгаллаши. Журналист бир томондан доим аудиториянинг талабини хисобга олиш лозим бўлса, иккинчи томонда телекўрсатув тайёрловчи ташкилот томонидан белгиланган максадларга хизмат килиши.

Баъзи мамлакатларда давлат органларининг тижорат телеканаллари аввалги анъанааларга мувофик кўрсатув учун бериладиган лицензиялар телестанция эгалари олдига каттик талабларни кўяди, шу жумладан кўрсатув таркибига оид талабларни, кўрсатув берувчи аудиториянинг факатгина кўнгил очишини эмас, балки унга ахборот етказиш ва маънавий юксалтириш мажбуриятини хам олиши.

Европа оммавий ахборот воситалари институти олимлари 1990 йили шу карорга келгиларки кўрсатув бу – миллий боййик, бутун аҳоли учун ягона гарбия ва мулоқат воситаси бўлиб баъзи бир гурухлар кўлида бўлмасдан жамият манфаатларини химоя килувчи кишилар назорати остилаги муассаса бўлиши керак. Факат эриниллик ва назорат оралигидаги мутаносиблик шундаки, кўрсатувларниң максадга йўналтиришдан келиб чиккан холда, ҳукумат ва парламент телевидениенинг кундаклик ички ишларига аракашмайди. Бу нарсанинг куйидаги критерийлар воситасида Буюк Британия мисолида кўрни мумкни: Жўғрофий универсаллик; Барчанинг дид ва анфагларни кондириш; Миллий оччинлик манфаатларини хам ифода этиш; Миллий рух ва жамоатчизлик хакида замонида гамхўрлик килиши; Аудиторияни кенгайтириш максадида кўрсатувлар савиясини оширишга интилиш; Ҳукумат ва шахс манфатлардан воз кечиш. Ходимлар ижодий эркинлигини таъмин этиш. Ахборот узатиш вазифаси. Маданий – маърифий вазифаси Интегратив вазифаси. Ижтимоий-педагогик вазифа. Ташкилотчилик вазифаси. Гаълим берини вазифаси. Рекреатив вазифа.

### **ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАБИАТИ.**

#### **ЭКРАН УНСУРИ.**

Телевидение оммавий ахборот воситасигина бўлиб коямай, балки ижоднинг бир тури хамдир. Маълумки, экран унсури киночилар томонидан вужудга келтирилган. Хозирги хар бир лаҳзада кўринадиган экран рамкаси билан чегараланган макон кисмийнинг гасвири «кадр» деб аталади. Ифода этишини экран воситалари кино ва телевидение факатгина макон сифатигагина эмас, балки замон сифатига хам эгалади. Кадр – деб шунингдек камеранинг «бигита назари» билан, яъни камеранинг гўхтовсиз иш давомида олинган ёки бошкacha килиб айтганда бир ҳолатни камераатаги плёнка харакатининг бошидан охиригача ўтган даврда олинган (ёки телекамерани гасвирни эфирга узатиш вактидан бошилаб, то уни эфирдан ўчиришгача ўтган даврда олинган) фильм (ёки телекўрсатув) кисмига хам айтилади. План – деб кадрда мавжуд бўлган гасвир маснитабига айтилади. «План» тушунчаси гасвирланадиган фигура ёки предметтининг кагзалиги даражасини билдириб, камера ёки гасвирга олинадиган фигура ўргасидаги масофага ва объективининг фокус масоффасига боғлиқ. Планлар кўпинча уч турга бўлинади умумий, ўрта ва йирик. Батағе силрор эса б турға бўлинади. Узокдаги план (инсон ва уни куршаб турган шаронит); Умумий план (инсон бор бўйича); Ўрта план (инсон гиззасигача); Ярим план (инсон белигача); Йирик план (инсоннинг боши); Микроплан (леталь, масалан турли хил вирус микроблар кўз). Макроплан (табнатининг ёки бирор шаҳарининг умумий кўринини).

«Ракурс» хам экран унсурининг мухим элементларидан бири хисобланади. Бугунги кунда ракурс тушунчаси объективнинг оптик ўки ва предмет юзаси ўртасидаги хар қандай бурчакни, шу хисобда тўғри бурчакни хам билдиради. Юкорида баён этилгандан шундай хулоса чикариш мумкинки, кадр, план, ракурс тушунчаларисиз экран тасвири мавжуд бўла олмайди.

Кадрларнинг маълум тартибда жойлаштирилиши монтаж деб аталади. Кадр бир зумдаги фотосуратларнинг маълум бир микдоридан иборатdir, уларнинг хар бири кадрча дейилади. Аммо кадрлар бир-бири билан онгли равишда бирлаштирилиши, монтаж килиниши керак-ки, улар орасида аник боғлиқлик бўлиши зарур. Кадрларнинг бундай бирлаштириш жараёни «конструктив монтаж» дейилади. Конструктив монтаж ўз ичига техник монтажни хам олиши аник. Конструктив монтажнинг максади экранда харакатни тўғри акс эттиришдир. У факатгина иккита талабга жавоб беради: биринчидан, кадрлар мантикий ва тушунарли тартибда бориши керак ва иккинчидан, хар бир кадр томошабин унинг мазмунини англаб олишга улгуро оладиган даражада узун бўлиши даркор.

Аммо кадрлар ўзаро шундай боғланиши мумкинки, улар орасидаги алоқа факат образли бўлади. Бу бадий монтажда акс этади.

Аник бўлдики, конструктив монтаж бадий монтажнинг бир элементи, таркибий кисмидир. Конструктив монтаж ёрдамида экранда и макон ва замон узлуксизлигини енгизи, замон ва маконни «қискартириши» ёки «чўзиши», харакат ва воеаларни мантикий боғлаб, аник хикоя килиш мумкин. Бадий монтаж ёрдамида эса воееликни экранда оддий акс эттиришгина эмас, уни талкин этиш, тушунгирish мумкин.

Ҳикоянинг драматургик жihatидан кизгинглик билан олиб боришининг киноматографияни воситаларидан бири «парател монтаж»dir. Хар хил жойларда ва турли вактда тасвирга олинган кадрларни кетма-кет кўрсатиши натижасида икки турли харакатларнинг бир вактда бўлаётганилиги тўғрисида тушунча хосил килиш ва шу билан уларнинг ўзаро алоқасини, ўзаро боғликлигини кўрсатиш мумкин.

